



БУТУН ДУНЕ-ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕН ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

КОММУНИЗМ УЛУҒ ИШИ УЧУН

БИР ҒАЙРАТГА ҮН ҒАЙРАТ КЎШИВ

АВИАТОРЛАР СОВҒАСИ

Деҳқонолар ўзларининг кўп йиллик таъриқларига асосланган ҳар гектарда 43 центнердан оқ олтин» ҳосили кўтарди.

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун бу йил ҳам талай ишларни бағариб қўйдик. Далаларимизда 400 тонна гуңг таниб чиқарилиди. Бундан ташқари давлат томонидан берилган минерал ўғитларни ташиб келтирдик. Ерларимизни шудгорлашдан илгари гектар бошига 400 килограммдан суперфосфат солган эдик. Ёзуларваршири давомида ҳамма пайкаллarga янги мартдан шарбат суви бериш учун гуңгини чиратаймиз.

Ўз бу йил 80 гектар ерини ҳар гектардан 45 центнердан оқ олтин» ҳосили етиштириш учун кураш бошлаганимиз. Сайлов арасида ўз

Бизнинг бригадаси пахта-корлари ана шу гапларнинг маъзи-маъзигага тушиб ет-ганлар. Улар йил сайи ўз ер-ларини ҳосилдор қилиш учун курашяптилар. Биз айниқса, ерини тўқдиришга алоҳида

Т. АБДУЛЛАЕВА,

Оржоникидзе районидаги
Хрущев номи колхоз
нинг бригада бошлиғи,
Социалистик Меҳнат Қаҳ
рамони

Граждан ҳаво флотини сайловлари шарҳига олган ўз мажбурийлиги эътиоди.

Ҳаво йўлларининг меҳнатнашари самояларда учинчи минг оширини бўйича ҳам юксак кўрсаткичларга эришилди. Шу кўрсаткич бўйича «Ту-104» ҳаво лайнеини учун план тошқиндир.

16 процентдан зиёд ошириб бажарилди.

Республика дала-ларида қишлоқ хўжалик ашлари бўйича белгиланган тошқиннинг муваффақиятини бакаримайди. Учувчилар ҳозирнинг ўзида элик минг гектардан ортқ ерни дориллади.

Оширилган мажбурият олинди

Совет Иттифқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг март Пленуми қарорлари «Қўй-лик» ва «Техника» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг меъдади янги талабаларга руҳанитарий буюриди.

Коллектив зиммасига янги оширған мажбурий олди. Янги маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик давлат планини 5 декабрда бажаришга аҳд қилди.

50 га яқин мотор ремонт-дан чиқарилиди.

Айниқса, мотор цехи коллектив ишкорлари меҳнат қилмоқда. Ил охиригача пландагидан таъ-сир 200 та моторини ремонт қи-лишга қарор қилинди. Янги қи-лик ваъда берган цех коллектив ишкорлари февраль ойининг ўзигагина 100 та мотордан таъ-сир 85 та моторини ремонт қи-лишга қарор қилди.

Каллон Чилди

В баъдани омаканиша астой-
дил нитлағлашма машинасозлар шу
йилини ўтган икки ойида чақни
иплашмади. Тошириқни анча
ошиғи билан аёд эгдилар. Ўтган
ойлар мобайнида қўшмичи равнша
ўнлаб асбоб ва борона тайёр-

А. ЭГАМНАЗАРОВ

ДАВЛАТ, БУ—БИЗ Мақсуд ШАЙХЗОДА

Уйқуңиз тунларда, мангу жадалда
Юртада, қоровулда турган биз эдик.
Дутурган туңғолар қалқан маҳалда
Ғарз туңқиларини ёрган биз эдик.
Биз эдик савашда, майлонда ўлган.
Биз эдик, шу вақтдан қайта тирилган.
Шу хилди тарихлар кўрмаган ҳаргиз:
Әз ўзи муқдор, давлати — азиз...
Советлар мулкнинг парламентига
Яхшидан яхшилар сайланар, дўстим!
Лойққ бўлганидан әз ҳурматига
Меҳнат ва сadoқат сиёиланар, дўстим!
Леинига, тинчликка овоз берамин!

Дўстлик, яхшиликка овоз берамиз!
Бугун она-Ватан гул-чаманida
Баҳор ҳавосida байроқлар тикла.
Эртанги режалар анжуманида —
Ленинни сайлаймиз биз раисликка!..
Овозим, овозинг, овозларимиз
Юрта эгаликдан беради дарак,
Авж олса сўзимиз ва созларимиз,
Қандай гуйлამасин, кудласин юрак!
Қўншлар қўшларга қўшақ қўшқилар
Бошларга сенилар кўшдан чочқилар,
Йилбонинг, ёрунгиң, бахтинг чоғини,
Коммуна уфсининг олтин қўшини.

КОРЕЙС ХАЛҚИГА
САМИЙ ТАБРИКЛАР

СССР ва Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасида иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган куннинг 13 йиллиги муносабати билан, Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев ўртоқлар Корея Халқ Демократик Республикаси н и н г раҳбарлари Ким Ир Сен ва Чой Ён Ген ўртоқларга самимий табриклар йўлладилар.

Табрик телеграммасида айтлани, мустиқлиқ ва суверенитетни Узаро ҳурмат қилиш, тенг ҳуқуқлиқ ва қардошларча Узаро ердан принципларига асосланган бу битим ҳамда дўстлик ва Узаро ердан қардошлик 1961 йилда тузилган Совет-Корея шартномаси кикала мамлакат ўртасида дўстона муносабатларни ва маҳкам ҳамкорликни ривожлантиришининг мустақим пойдевори бўлиб, социализм мамлакатларининг бирлигини мустаҳкамлаш, бутун жаҳон социалистик системасининг кучқудратини янада оширишдан иборат туб манфаатларга мос бўлиб тушади.

Совет халқи шу нарсга қаттиқ ишонганини, дейилади телеграммада, СССР билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги социалистик интернационализм руҳи билан сугорилган самимий дўстлик ва маҳкам ҳамкорлик кун сайин тобора мустақамланади ва гуллаб-яшнайд.

СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико Корея Халқ Демократик Республикаси Ташқи ишлар министри Пак Чен Черга табрик телеграммаси юборди. (ТАСС)

**СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА
САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ**

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА
САЯЛОВ УТКАЗУВЧИ
МАРКАЗИЙ САЯЛОВ
КОМИССИЯСИДА

16 мартда Москвада, Союзлар уйида олтинчи чақириқ СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Сайлов комиссияларининг сайлов кампаниясининг ҳал қилувчи босқичида СССР Тўлиқ Совети га сайлов ўтказишга тайёр бўлиш ҳақидаги масала қараб чиқилди. Марказий сайлов комиссиясининг раиси Ўртоқ В. В. Гришин комиссияда мавзуд мазмундогларга қўра, мамлакатимиз территориясида сайлов ўтказишга тайёргарлик ишлари муваффақиятли туғалланаётганигини айтди.

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида СССР министрликлари ва божқармаларининг раҳбарлари, совет ташиқлотларининг, жамоатчилик ва матбуотнинг вазирлари ҳомир бўдилар. (ТАСС).



Баҳорнинг қадрига етаётган Калинин районидagi Охунбобов номи қолхоз чорвадорлари ағайини янги киришдилар. Улар бу йил 150 гектар ерга маккаўхори экишни планлаштирган эди. КПСР Марказий Комитетининг 1-Пленуми қароридан руҳланган азамат чорвадорлар халққа нў-на-куст су ва тўғит маҳсулотлари етказиб бериш учун астойдил бек боғладилар. Суратда: ўртоқ Т. Абулғаборов бошлиқ бригада даласида оқиб жайдонга маккаўхори экиш пайти.

А. Абалян фотоси.

Коммунизм Ватани — Улут Советлар мамлакатининг янада гуллаб-яшاشи учун, ғажабаларимиз индохмичи, ташкилчиси дони Коммунистик партияимиз учун, жонакони Совет ҳукуматиимиз учун, коммунизм улутимизнинг тағайини учун! Бугун ҳар бир соҳада, ҳар бир инсонда, ҳар бир қисмда, ҳар бир ағдада, ҳар бир мансабда билан, энг яхши ният билан мамлакатимиз парламенти — СССР Олий Советига кўрсатилган халқ фарзандлари — коммунистлар билан партияисиз, бир блокнинг номзодлари учун кўр кулди билан овоз берадилар. Ҳар бир Конституцияимизнинг ҳар бир бағди билан ёзилган буюк ҳукукдорининг амалга ошириладилар.

«Коммунистлар билан партия-
измлар блокнинг миллионлаб
хизматкашлар томонидан Олий
Советга кўрсатган мазмолда,
— дейди Н. С. Хрушчев
Москва шаҳар Казинин сайлов
округи сийдовчиларининг йиғи-
лишида — кўзгадан ўтқизди.
— Мана улар орқоналарининг ва сов-
хозларнинг ишчилари, колхоз-
чилар, олимлар, врачлар, ўқи-
тувчилар, ёзувчилар, инженер-
лар, агрономлар, мамлакатнинг
қўлини Кучларининг вакил-
лари, партия ва касаба союз
қўдимларидир. Депутатлик ва
қомоз қилиб кўрсатилганлар
нинг ҳар қайсиси коммунистлик
турлишининг бир устасида
ишлаб турибди ва халқ тур-
муши билан чамбарчас боғлан-
ган. Зотан бундан бошқача бў-
лиши ҳақ мумкин эмас, чун-
ки меҳнаткашлар депутатла-
рининг Советлар чинакам халқ
ҳокимияти органларидир. Бу
органлар халқ ўзининг энг
яхши ўғил ва қизларини сай-
лаб, мамлакатдаги бутун ҳоқи-
қиятини уларга тўла равишда
«ишониб топширади».

Совет давлати — меҳнатқаш-
тар давлати, умумхалқ давла-
ти. Совет социалистик давлати-
мизнинг бутун моҳияти, мазму-
ни унинг умумхалқ давлати
мақсадлигини ифода этади. СССР

Олий Советининг хозирги составини олиб кўрайлик. Давлатимизнинг олий органида 18 депутат орасидан ишчилар ва колхозчилар 1331 киши, фан, адабиёт ва санъат ходимлари 159 киши, врачлар ва ўқитувчилар 85 киши, халқ кўхоналик махсусиселлари, партия ва совет ходимлари 303 кишининг ташкил этади. Бизда меҳнатқашлар ҳақи равишда: «Давлат – бизнинг ўзимиз!» деб фахр билан айтишлари мумкин. Коммунизмнинг кўратили оғир индустриясини яратётган қаҳрамон ишчилар синфи, давлат – сен, сеннинг ўзини! Мулк-қучлик учун, меҳнат аҳлига тобора кўп гушт, ёғ, сут пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш учун курашаётган колхозчи деҳқонлар, давлат – сизларнинг кўлингиз! СССР Олий Совети депутатидаги номзодлари кўрсатилган халқ вакилларининг состави ҳам бундан яққол кўрсатиб турибди. Номзодлар орасида партия ва давлатимиз раҳбарлари билан Ўзбекилада юз-дайд оддий совет кишилари бор. Бизнинг номзодларимиз маъмуру пахта устаси Ҳамроқул Тўшпуқулов, довондоқ меҳнатқошиқлар М.С. Ҳамроқов, Шарофат М.С. Ҳамроқов, Шарофат Баракаева, Турсуной Охунова, уста мактабхўроқкор Ли Любова, мизраҳлик скреперин Марис Тўшпулатов, металлург Елена Сичева, моҳир иргичручи Фанна Шеронова, оддий ишчи Светлана Разгуляева, врач Татьяна Никитина ва бошқа ўғиллар халқ вакиллари билан ҳақдин равишда фахрланамиз!

Ахир, қайси бир буржуазия давлатида оддий меҳнатқаш давлат ҳокимиятининг олий органига сайланиши мумкин! Америка Қўшма Штатлари конгресси составида битта ҳам ишчи ёки фермер йўқ. Конгресснинг 529 аъзосининг 314 таси монополиядлар хизматида бўлган юристлар, 146 киши — саноатчилар, савдогарлар, 22 киши — йирик ер эгаларидин.

Бизнинг коммунизм сари

бораётган ажойиб Ватанимиз бошқача қонунлар асо с и д а яшамоқда. Бизнинг ҳар бир қуниимиз, дақиқамиз олға томон, янада фаровон, янада гузал жамият — коммунизмга томон қўйилган катта қадамдир.

Совет демократиясининг ҳаёتبашар ҳурули халқлар ва миллатлар бошига коммунизм ёдгуруларини сохтаётган овоз Советлар дерида исон қадимати юксаликка қўтарилди. Исон — энг қимматли, энг қадрли капиталлар. Меҳнатқашлар фаровонлиги, бахт-саодати, келажак ҳақида ғам-ҳўжани, қилишни, партияни, ҳаётни, қўлини олиш, қўниги деб эълон қилди. Ҳама нарсаси исон, унинг бахт-саодати учун! Ҳамиятимиз қўниги ана шу! Қилиш, билим олиш, меҳнат қилиш, дам олиш, қари-қандас, меҳнат қўбилганини йўқотган тақдирда моддий ёрдам олиш совет кишиларининг ҳуқуқидир. Бунинг учун бизда қарас, моддий воситалар бор. Шунинг учун ҳаётимизда эзиз Коммунизмни, партиясини, қонқонан ҳуқуматини беҳад севди ва қадрлади.

Бугун бүтүн мамлакатимизда шодона бағрам тантаналари. Кеча янгидагина ўз ишчи ақлудан партиямиз Марказий Комитетининг Пленуми қишлоқ ҳўжагини назда юксалтириш истиқболларига ян равшан йўналди берди. Мамлакатимиз меҳнатқашлари Пленум қарорларидан руҳланиб, мамлакатга тобора кўпроқ дон, гўшт, сўт, ёғ, пахта ва бошда қишлоқ ҳўжални махсуслоғларига етказиб бериш, КПСС XXII съезди тарихий қарорларини, коммунизм қўиш Программани амалга ошириш учун зўрсиний кўтарилиқ билан меҳнат қиялтилар.

Коммунизм — миллионларнинг иккидй меҳнати самарасидир. Коммунизм инсониятга чинакам Тинчлик, Озодлик, Тенглик, Бахт-саодат бахш этади. Бизнинг олга томон, коммунизмга томон бориш йўлимизни йўлчи юлдуздек кўрсатиб турган буюк Программализ бор. Мақсадларимиз риваш ва аниқ. Коммунизмнинг ёрқин горизонтлари рившан кўриниб турибди.

Биз, бугун сайлов кутилари ёнига бериб, халқимизнинг энг яхши фарзандлари — учун овоз берад эканмиз, қалбимиздаги энг илиқ ва самимий меҳр-мухаббат тўла туйғуларимизни бахтли ҳаётимиз ижодчиси доно Коммунистик партиямизга изҳор қиламиз.

Коммунистлар билан партия-
сизлар блокнинг халқ канди-
датлари учун овоз берайлик!
Хамма сайловга!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИГ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАРМОНИ

Ҳамроқул Турсунқуловни Ўзбекистон ССР Олий
Совети Президиумининг фахрий ёрлиғи билан
мукофотлаш тўғрисида

Тугилган кунига 70 йил тулганлиги муносабати билан ва колхоз тузумини мустақамлаш ҳамда совет пахтачилигини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун Тошкент область, Янгйўл районидagi Хрушчев номи колхознинг раиси Ҳамроқул **Турсунқулов** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий аълиги билан мукофотланган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг
Ранс Е. НАСИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг
Секретари Р. САХИБОВЕВ.

1962 йил, 17 март. Тошкент шахри.

СИЗЛАРНИНГ ҲАР ҚАЙСИНГИЗ ТУЛА АСОС БИЛАН:



МУНОСИБ ТОРТИҚ БИЛАН

Корхонамиз коллектив ОССР Олий Советига сайловлар кунини муносиб меҳнат соғинари билан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилди. Барча цех, участка ва бўлинмаларда бу улғур айёми катта тортиқлар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа оғиб кетди. Деярли ҳамма интилар, инженер-техник ходимларимиз бу мусобақада актив қатнашдилар. Бу аjoyиб натижаларга олиб келди. Ил бошидан бери пилдан ташқари ўларча минг сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, ремонт ишлари бажарилди.

Социалистик мусобақа инти-роҳчилари бўлган жуда кўп кишилар меҳнатда юксак натижаларга эришдилар. 800 ишчи шу кунгача тўрт ойлик ишлаб чиқариш нормасини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони тоқар А. Қодиров, чўян қўйиш цехининг обрўбчиси А. Султонмуродов, асбоб-созлик цехининг тоқари Н. Орлов ва бошқа ўнлаб пешакарларимиз ярим йиллик топшириқларини бажариб қўйишди. Х. Қосимов, А. Худоев, А. Жолдизов ўртоқлар бошчилигидаги коммунистик меҳнат бригадалари уч ярим ойлик пилани адо этдилар.

Шу азаматларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли йил бошидан бери пилдан ташқари 5 та вагон ва битта тепловоз сифатли ремонтдан чиқарилди.

Яқинда завод касба союзу комитети йиғилишида сайловлар бўлиб ўтди. Комитет сайлов шарафига бошланган ҳаракатда яхши ишлаган 13 бригадала коммунистик меҳнат бригадаси, 70 га яқин ишчи коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли ном берди. Эндиликда корхонамизда ўз қаторларига 1200 кишини бирлаштирган 164 коммунистик меҳнат бригадаси ва 175 зарбдорларимиз бор. Меҳнатда, ахлоқда ва олобда ҳаммага ўрнак бўлаётган бу пешакарларимиз коллективимизнинг фахри бўлиб қолишди.

СССР Олий Советига бундан олдин бўлиб ўтган сайловлардан бери тўрт йил вақт ўтди. Ана шу қисқа бир муддатда заводимизнинг қийфаси бутунлай ўзгариб кетди. Корхонамиз реконструкция қилиниб, Совет Иттифоқида биринчи бўлиб энг кучли ТЭЗ маркази тепловозларини ремонт қилиш ўзлаштирилди. Янгидан тепловоз, дизель ва чўян қўйиш цехлари қурилди. Бу цехлар замонавий мукаммал техника билан ўсқуналган. Фақатгина 1961 йилда янгидан 60 та асбоб-ускуна фойдаланишга топширилди, 500 та стелд, мослама ва махсус асбоблар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Иш жараёнини механизациялаш ва автоматлаштиришга қаратилган ўнлаб тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида ўтган йили меҳнат унвдорлиги 11,1 процент, тадбирланаётган маҳсулот ҳажми эса 15 процент кўпайди.

Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг моддий турмуш шароитларини яхшилаш соҳасида ҳам катта ишлар қилинди. Бир қанча янги турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари юз ўнли болалар босчаси ва яслини қурилди. Корхона ҳузурида кечки санаторий ташкил этилди. Бу санаторийда ҳар ойда юзлаб ишчилар маданий дам олиб, даволанмоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг биз — ишчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш, фаровонлигини ошириш ҳақида қилётган бундай гамхўрлигига жавобан янада зўр ғайрат билан меҳнат қиламиз. Етти йилликнинг тўртинчи йили топшириқини муддатидан илгари бажариш ва пилдан ташқари 110 минг сумлик маҳсулот ишлаб чиқариш, шу йил охиригача коммунистик меҳнат корхонасига деган шарафли номини олиш учун қизгин кураш бошлаб юборган ишчиларимиз бугун коммунистлар ва партиячилар бўлиб номонодлари учун қувона-қувона овоз берадилар.

М. МИРОДИЛОВ,
Октябрь революцияси номидан завод коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи.

Чиноз Районидagi «XXI партсъезд» колхозни трактор далавчилар бригадасининг бошлиғи
Турсунов РАНИМОВА:



— Мен ўзбек хотин-қизлари ичда биринчи бўлиб «яшил кема» рулини тутган, ўз шарафли меҳнати билан бутун мамлакатда довг таратган ҳамқиллоқ касбдошимиз Турсунов Охунова ҳониминингнинг энг олий органига депутат бўлиб сайланаётганидан фخرланаман. Турсунов сингари Ватанимизнинг энг муносиб фарзандлари учун овоз бераётганимдан чексиз шодман.

А. Аббасов фотосари.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ РАВНАҚИ УЧУН

Далаларимиз кафтдек текисланган. Ариқзовурларни сув равои оқадиган қилиб тозалаш қўйганмиз. Қарта бошларига қўйлаб маҳаллий ўғит ташиб чиқардик. Шаҳанбой Эрманбоев ва унинг шоғирдлари Нурмат Тоқиев, Воққос Жўлбоев ўртоқлар ўз агрегатларини шайлаб қўйдилар. Хуллас, чигит экинни тезда сифатли қилиб ўтказиш учун ҳамма нарсаси тайёр десак бўлади. Ҳа, бригадамиз аъзолари СССР Олий Советига сайлов кунини меҳнатда ана шундай ютуқларни қўлга киритиш билан кутиб олдилар.

Бугун бепоён мамлакатимизнинг ҳамма ерида байрам. Совет кишилари ўзларининг энг яхши фарзандлари учун қувона-қувона овоз берадилар. Биз совет кишилари қатори бизнинг бригадамиз аъзолари ҳам сайлов кунлари ёнига бориб уста пахтакор, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул ота Турсунқуллов сингари халқ кандидатурасига овоз берадиганлар, қишлоқ хўжалигининг янада раванқлиги учун овоз берган бўладилар.

Химия фанлари доктори
Академик Малик НАБИЕВ:



— Муъжизаларни ҳақиқатга айлантираётган энг илғор совет фани равоиқ топаверсин! СССР Олий Советига сайланаётган депутатларимиз коммунистик жамият қурилишига катта хизмат қилётган илм-фанни ривожлантиришда биз олимларга яқиндан ёрдам берадиган деб ишонамиз, бугун улар учун яқинлик билан овоз берамиз.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

2-БЕТ, 18-МАРТ, 1962-ЙИЛ.

БИРИНЧИ ОВОЗ

Чехраларида шодлик барқ уриб турган бу ёшлар нақадар бахтиёр! Улар шу баҳор айёмида 18 ёшга тўйдилар. Бугун уларнинг ҳаётида кўш байрам. Шу 18-набавҳор тоғида бу ёшлар ҳам улкан оламнинг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида биринчи марта халқимизнинг муносиб номонодлари учун овоз берадилар. Ўзларининг шу овоз дери қўлида камолга етганликларини зўр ифтихор билан ҳис қилдилар.

Коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари бўлиб етишган, халқ хўжалигининг турли соҳаларида зўр ишкорат билан меҳнат қилётган ёшлар институт ва техникумларда, ўқув юрларида билим олаётган, бугун эса биринчи марта овоз берувчи ёш сайловчилар ози дейсизми! Минглаб ана шундай ёшлар кўп қатори бугун ўзларининг конституцион ҳуқуқларини фойдаландилар. Ажаб эмаски, йиллар ўтган ушбу суратдаги ёшларимизнинг ўзлари учун «бизнинг муносиб номонодлар» деб овоз берсак! Ҳа, келажак ёшларини. Улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари, куч-ғайратлари билан инсониятнинг азгу орбўси — коммунизм қурилишини янгилаштирамоқдалар.

Сўрашлар: бугун биринчи марта овоз берувчи ёшлар, (биринчи қаторда, чапдан) Тошкентдаги мактабтача хотин-қизлар билим юрти ўқувчиларидан Х. Эгамқуллова, М. Вобоева, С. Матвеева, Х. Усмонова ва Қўйишчи районидagi 20-кечки ишчи-ёшлар мактабининг 9-синф ўқувчиси С. Савакян (иккинчи қаторда, чапдан) шу райондаги 4-қўйишчи мактабининг ўқувчилари Пак Вися, Е. Курманбаев, К. Ашуров, А. Гришановский, С. Куршев ўртоқлар.

Султон АКБАРИЙ.

ЯНГИ КУН ҲАЙЗИ

Уфидан кутиб чиққандай қўёш, Нур тирқираб чиқар қалбимдан. Қўйишлармас, наъматақларнинг Ширалари тоғлар лабимдан.

Нега бугун баҳор олифти? Нега осмон бунча занғори? Нега тилла қўнғироқларини Чалиб оқар Тошкент анҳори?

Нега ҳаёт бунча чиройлик Витринага қўйган либосдай? Нега бугун бошқача ҳусн, Ўтти қўзлар...

Бодовларнинг қизил гулдан Сўрамадим бунинг назоҳин. Муронаат қилиб қалбимга, Тўкиб юбордим шёър сийҳин.

Қалбим дери: булар ҳаммаси Янги куннинг фазли, шукҳи. Тўй-тамоша қилар кўчада Бугун овоз инсон ҳуқуқи.

Қалбим дери: ўткирларини Эл сайлайди Олий Советга. Шунинг учун гўжонг ўйнашар, Гул қизили югурган бетга.

Қалбим дери: сен ҳам чакқон бўл, Тезроқ тўқсин сайлов кутиси. Энг сазаннинг қўлига тутиб Сувинг, руҳинг, шёъринг ўтсин.

ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА

Замоналар келар, чўл сўзини тушутириш учун география ўқитувчилари анчагина вақт сарф қилурлар. Аммо ҳозирча чўл бепоён унинг у четидан бу четигача поездларда эмас, самолётда юриб ҳам наригадасан киши. Тўғри, шу бепоён чўл кун сайин чекиммоқда. Унинг тўшини ёриб ўтган янги каналлар бунёда келмоқда. Минглаб қудратли машиналар, бардош, шикояткор одамлар чўлнинг совуқ сукунатини бузиб, янги колхоз-совхозлар тузаётдилар. Ёшлар, етмиш йўллар, шаҳарлар қураштиради. Саҳрода тўнғич болалар, театрлар, туғида ҳам кундузгидай чароғонлар, хибонлар барпо этилмоқда. Барбиров, ҳали чўл кўп меҳнат таълаб қилади. Ёнғ ўнмас ерлар «оқ олтин» конларига, бугдойзорларга, бой, сулув водига айлангунча ордан қўчиб келган кишилар шундай кунини кун сайин, ой сайин янгилаштирамоқдалар.

Бўм-бўм Миравчўлининг бир ёнибошида «Фарҳод» совхози бунёда келган. Бу ерга келиб уй-рўзгор-сиз, соя-салқинсиз ертўлаларда яшаган одамлар 1956 йилда сар-

рога илк дафъа уруғ ташладилар. Ўша йили 1500 гектар янги ердан 1722 тонна, 1957 йилда эса 1941 тонна пахта олинди. Ўша келарда совхоз пахтадан бошқа экин эмас, фақат янги ер очилиш, уй-жой қуриш билан банд эди. Одамларнинг пешона тери, сабот-матонати, коммунистик партия гамхўрлиги туфайли чўлнинг шу ерданги бир парчаси тобора жонланиб борди. Сув ва нур келди. Хушқомат уйлар қурилди. Дарахтлар кўкарди.

1958 йилда «Фарҳод» совхозининг бор 42 центнер гўшт, 6 центнер жун етиштириб давлатга сотди. Бу—кечажақда фақат пахтага эмас, балки гўшт ва сутта, жун ва тухумга, мева ва сабзавотга бой бўладиган социалистик хўжалиқнинг биринчи пичини—хамир учидан патиради.

Янги ер очилиш — машаққатли иш. Кўп йиллар сув, экин кўрмаган ердан ҳосил олиш, мева экиб, бор яратиб яна ҳам қийинроқ эди. Бунинг устига совхоз коммунизм дари таллабларига мувафиқ қурилиши, уй-жойдан тўғиб, экин экин, сугорини усулгача ҳаммаси янгилаш бўлиши

лозим эди. Олимлар, инженер-техниклар кўмағида «Фарҳод» пахтакорлари эски усулдаги сугорилардан воз кечдилар. Кейинги йилларда ўзлаштирилган ерларда ер ости трубадари ўрнатилиб, сугорилиш ҳам механизациялаштирилди. Бу—сувни тежаш, кам ишчи кучи сарфлаш билан бирга, катта фойда олиш, экиннинг бир меёнда сув ичинини таъминлаш имконини берди.

Совхоз дадил қадамлар билан юксала бори. Йил сайин ерга ер, ҳосилга ҳосил қўшилди. 1962 йил бошига келиб анча йирик, сертармоқ хўжаликка айланди. 1961 йили 1500 гектар янги ер очилиб, пахта майдони 5000 гектарга етказилди. Давлатга 7038 тонна «оқ олтин» сотилди. Бу — фидокорона меҳнатнинг самараси, қудратли техниканинг, кишилар иродасининг самараси.

Етти йилликнинг учинчи йилида совхоз қорамоллар сонини 550 бонга етказди. Қўй ва чўчқалар сонини кўпайди. Давлатга 506 центнер гўшт, 1328 центнер сут, 21,2 центнер жун сотилди. Сабабот, полиз экинларидан яхши ҳосил олинди. Ҳозир совхозда 144 гектар боғ,

ОИЛАМИЗ ҚУВОНЧИ

Ўтмишнинг зулм-зақри илм олса, бири меҳнати тўтган, ўз фарзандларининг воғта етмиш бут, дастурхонининг, уларнинг ормиш тўки. Қайси кунини суҳбасини қўрқмай биз тўки. Қайси кунини доғу ҳасратда ўтган ҳуқуқсиз оналар, тузук-роқ тиббий ёрдам йўқлигидан нобуд бўлиб кетган кўплаб гўдакларини аслам, ҳозирги турмушимизни ўша вақтга таққосласам ҳурзамонимизга бўлган меҳрим, муҳаббатим жўш уради.

Саккиз фарзанднинг онасиман. Кўёб, келин, ҳукуматимизнинг энг олий органига ўз вақтида киришганимизни — эл Биргиза бизнинг оилада 30 га яқин жонимиз. Фарзандларимизнинг ҳаммаси жамиятда ўз ўрнини топиб олган. Биз умидимиз катта. Бутун

оила аъзоларимизнинг овоз бериши бизни қувонтиради. Қизим Халима, келинларим Валия ва Вазиралар эса бугун биринчи марта сайлашди. Шунинг учун улар ўнда йўқ хурсанд. Агитаторимиз келтирган 12 та тақдир қозонининг учтаси уларга аталган.

Азим юртимизнинг миллионлаб меҳнаткашларининг овозига бизнинг овоз ҳам ҳам-оҳангдир. Оналарнинг бахт-саодати учун, фарзандларимизнинг бахт-саодати учун, оламда барқарор тинчлик учун овоз берамиз.

Тоғжон ТУРДИЕВА,
кўп болали она.

Юксалиш рақамлари

— Етти йилликнинг дастлабки уч йилида саноат маҳсулотининг йиллик ўртача ўсиши пиландаги 8,3 процент ўрнига 10 процентини ташкил этди.

— Ўтган 4 йил ичда мамлакатимизда чўян эритиш 37 миллион тоннадан 51 миллион тоннагача, пўлат эритиш 51 миллион тоннадан 71 миллион тоннагача, прокат ишлаб чиқариш 40 миллион тоннадан 55 миллион тоннагача кўпайди.

— Тўрт йил ичда газламаларнинг ҳамма турларини ишлаб чиқариш 5,7 миллиард квадрат метрдан 6,7 миллиард квадрат метргача, шў жумладан жун газлама ишлаб чиқариш 361 миллион квадрат метрдан 455 миллион квадрат метргача кўпайди.

— Ҳозир 4 миллионга яқин студент ва ўқувчи стипендия олади. Қарий 7 миллион она давлат нафақаси билан таъминланади.

— Кейинги 5 йил ичда 50 миллион совет кишиси, яъни СССРда яшовчи бутун аҳолининг қарий 4 дан бир қисми янги уй-жойга қўчиб кирди.

БОГ БОГЛАРИ

159 гектар тоқор бор. «Фарҳод» совхозлари ўз қўллари билан чўлга эккан олма-анорларнинг меvasидан тоғиб кўрдилар. Бу йил яна 136 гектар мева боғи, 169 гектар тоқор ташкил қилинди. Демак бир йилнинг ўида 305 гектар ерда янги боғ барпо этилади. Бу боғлар коммунизмнинг ширин-шакар меваларига бой боғлари бўлади.

Шу кунларда ҳам фарҳодиқлар янги ер очмоқдалар. Бу йил экин майдонига яна 700 гектар янги ер қўшилди. 5300 гектар ерга чигит экилади. Хўжаликда Набижон Жўраев, Ҳусан Отабоев, Бердиқул Зойилов, Александр Комелев, Холбуев Тураева ўртоқлар сингари миришкор пахтакорлар етишди. Бу йил совхоз бўйича 8000 тонна пахта ҳосили етиштирилиш мўлжалланмоқда.

СССР Олий Советига сайловлар бўлиб ўтган шу набавҳор айёмида совхоз коллективини янги, улкан режаларни амалга оширапти. Бу хўжалиқнинг келажакдаги мислсиз қудрати сулувилик ва шон-шўҳратини ҳозирдан тасаввур қилиш мумкин. Биз чўл ўрнида бунёда келган Янгире шайридаги биргина совхоз ҳақида ҳикоя қилиш, ҳоло, бу ерда ана шундай хўжалиқнинг бир нечтаси гурқираб ўсмоқда. Ўтган 4 йил ичда мана, Янгире сайлов оқруғи ташкил қилинди. Бугун ана шу 100-сайлов округининг сайловчилари халқ фарзандлари учун — коммунистлар билан партиячилар билан аjoyиб номонодлари учун овоз берадилар.

С. СУЛТОНОВ,
Янгире району.

